

**Истиқболли бошқарув кадрларини танлаб олиш бўйича
“Тараққиёт” республика танловини ўтказишни ташкил этиш бўйича
РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИ**

**Истиқболли бошқарув кадрларини танлаб олиш бўйича
“Тараққиёт” республика танловида иштирок этувчи
талабгорлар учун “Психологик барқарорлик”
бўйича онлайн тест синови
ДАСТУРИ**

Истиқболли бошқарув кадрларини танлаб олиш бўйича “Тараққиёт” республика танловида иштирок этувчи талабгорлар учун “Психологик барқарорлик” бўйича онлайн тест синови дастури Истиқболли бошқарув кадрларини танлаб олиш бўйича “Тараққиёт” республика танловини ўтказишни ташкил этиш бўйича Республика комиссиясининг 2018 йил 24 августдаги 2-сон-сон мажлиси баёни билан тасдиқланган.

Тузувчилар:

Л. Султанова	–	М.В.Ломоносов номидаги Москва университетининг Тошкент шаҳридаги факультети, психология фанлари номзоди	Давлат филиали
А. Расулов	–	Ўзбекистон Миллий университети психология фанлари номзоди	доценти,
Д. Ильхомова	–	Ўзбекистон Миллий университети психология фанлари номзоди	доценти,
Н. Далимова	–	Ўзбекистон Миллий университети психология фанлари номзоди	доценти,



Б.Ашматов
То.То. Ашматов

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН МАНБАЛАР РЎЙХАТИ

I. Рахбарий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. –Т., 2017.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истиқболли бошқарув кадрларини танлов асосида танлаб олишнинг замонавий тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.

3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир рахбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. –Т.: Ўзбекистон, 2017.

II. Ўқув адабиётлари

1. Анастаси А. Психологическое тестирование. –М.: Педагогика, 1983. Под общ.ред. К.М.Гуревича, В.И.Лубовского.

2. Луковицкая Е.Г. Социально-психологическое значение толерантности к неопределенности. Диссертация на соискание ученой степени кандидата психологических наук. 1998. – 173 с.

3. Осин Е.Н. Факторная структура версии шкалы общей толерантности к неопределённости Д.МакЛейн. Психологическая диагностика. -2010, №2.–с. 65-86.

4. Расулов А.И. Психодиагностика. – Т.: Мумтоз сўз, 2010. – 152 б.

5. Райгородский Д.Я. Практическая психодиагностика. Методики и тесты. - Самара: ИД «БАХРАХ», 1998. - 672 с.

6. Фетискин Н.П., Козлов В.В., Мануйлов Г.М. Социально-психологическая диагностика развития личности и малых групп. –М.: Изд-во Института психотерапии, 2002. – 490 с.

IV. Интернет сайтлари

1. www.gov.uz
2. www.parliament.gov.uz
3. www.president.uz
4. www.uza.uz
5. www.lex.uz
6. www.press-service.uz

берилишмайди, режадан ҳаракатларга тезроқ ўтадиган, таваккал қилишга мойил инсонлар ҳисобланишади.

Ноаниқликка нисбатан толерантлик кўрсаткичи билан юқори даражадаги психологик барқарорлик ўртасида ишонч даражасидаги боғлиқлик мавжуд.

Ноаниқ вазиятларга нисбатан толерант бўлиш менежерларнинг муҳим касбий сифатларидан бири эканлигини менежерлар танланмасида ўтказилган тадқиқотлар ҳам кўрсатди.

Баҳолаш мезонлари

Номзодларнинг психологик барқарорлик бўйича йиғган баллари қуйидагича талқин қилинади:

80-100 % - юқори психологик барқарор инсон;

60-79 % - психологик барқарор инсон;

40-59 % - ўртача психологик барқарор инсон;

20-39 % - психологик беқарор инсон;

0-19 % - юқори психологик беқарор инсон.

КИРИШ

Мазкур дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони ҳамда 2018 йил 30 майдаги “Истиқболли бошқарув кадрларини танлов асосида танлаб олишнинг замонавий тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3755-сонли қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган. –

Синов истиқболли бошқарув кадрларини тизимли асосда танлаб олинишини таъминлаш, шунингдек, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа давлат органлари ва ташкилотлари тизимида уларнинг касбий малакасини узлуксиз ошириб боришга кўмаклашиш мақсадида истиқболли бошқарув кадрларини танлаб олиш мақсадида ўтказилади.

Охириги йилларда кадрларни саралаб олишда фақатгина уларнинг муҳим касбий сифатларига эътибор қаратилиб қолинмасдан, балки айна вақтдаги интегратив характеристикаси, яъни психологик барқарорлигига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, психологик барқарорлик шахснинг мураккаб ва кенг қамровли сифатларидан ҳисобланади. У ўзида қобилиятларнинг йиғиндисини, турли босқичли ҳодисаларнинг кенг қамровини бирлаштиради. Психологик барқарорлик (стресс, кризис, низо ва ноаниқ вазиятларга нисбатан) инсоннинг психик ва соматик саломатлигини белгилаб беради, уни тарқоқлик ва шахслилик бузилишларидан ҳимоя қилади, у ички мувозанатнинг асоси ҳисобланади. Психологик барқарорлик ўзида уч жиҳатни мужассамлаштиради, булар: собитлилик, мувозанатлашганлик; вазминлик, мос келишлик; қаршилик кўрсата олиш. Раҳбар ҳиссиётининг мувозанатлашганлиги унинг ички дунёсига хос қарама-қарши туйғулар туғенига йўл қўймаслик, кайфиятдаги сокинликда, хулқ-атворини тартибга солишнинг юқори даражада эканлигида, фаолиятига оид турли вазиятларда ўзини бошқара билишида, ўзини ўзи ва воқеликни реал идрок этишида ифодаланади.

Раҳбар фаолиятининг самарадорлиги фақатгина унинг касбий етуқлиги билангина эмас, балки айна дамдаги психологик ҳолати, эмоционал-шахслилик соҳасининг хусусиятлари билан ҳам ўлчанади. Раҳбар учун муҳим бўлган – вазминлик, сабру бардошлик ҳамда психологик барқарорлик унинг жамият билан самарали алоқасини таъминлайдиган сифатлар ҳисобланади.

Раҳбар одамлар орасида ва уларга хос турли ҳиссиётлар оғушида яшайди. Бинобарин, атрофдагиларнинг салбий ёки ижобий ҳис-туйғулари ўзаро кундалик мулоқотда тез "юқиш" хусусиятига эга. Шунинг учун раҳбар қалтис ва зиддиятли вазиятларда нафақат бошқаларнинг ҳиссиёти таъсирига берилмаслик, балки атрофдагиларга ўз мувозанати ва жиловланган ҳис-туйғуси билан таъсир эта олиши керак. Ноаниқликларга нисбатан шахснинг толерантлиги ҳам муҳим хислат бўлиб, кўплаб тадқиқотчиларнинг фикрларига кўра, у шахснинг юқори даражадаги психологик мукамаллиги

билан боғлиқ. Кўпгина муаллифлар маълумотларига кўра, юқори даражадаги ноаниқликка нисбатан толерантлик раҳбарнинг муҳим касбий сифатларидан ҳисобланади.

Ушбу **синов дастурининг мақсади** – самарали фаолият олиб бориш учун шахсий мослашувчанлик имкониятларига эга бўлган истикболли бошқарув кадрларини саралаб олиш.

Синов дастурининг вазифалари қуйидагилар:

- бошқарув кадрларини аниқлаб олиш мақсадида психологик саралашни ўтказиш;
- номзоднинг асаб-психик барқарорлигини аниқлаш;
- номзодларнинг индивидуал-типологик хусусиятларини аниқлаш;
- номзодларнинг эмоционал-шахслилик соҳасини ёритиш;
- ноаниқ вазиятларга нисбатан толерантликни аниқлаш.

Ушбу дастурда юқорида келтирилган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда психодиагностик методикалардан фойдаланиш тавсия этилади, булар: индивидуал-типологик хусусиятларни аниқлаш учун Айзенк методикаси - шахснинг психологик ва эмоционал барқарорлик даражасини аниқлаш имконини беради; “Ноаниқликларга нисбатан толерантлик шкаласи” (Мак-Лейн) методикаси.

Баҳолаш мезонлари

Ўтказиладиган ушбу сўровномалар асосида шахснинг социал муҳит ва касбий фаолиятнинг узлуксиз ўзгаришига мослашувчанлиги, турли зиддиятли вазиятларда ўз ҳиссиётларини бошқара билиши, ишчанлик қобилиятини сақлаб қолиш ва психологик барқарорлиги ҳақидаги ғоялар ётади.

Юқорида келтирилган методикалар номзоднинг индивидуал-типологик хусусиятларини, эмоционал-шахслилик соҳаси ҳамда ноаниқ вазиятларга нисбатан толерантлик даражасини аниқлашга йўналтирилган.

Айзенк методикаси шахс тузилишини учта омил орқали кўриб чиқади:

1. Экстраверсия – интроверсия.
2. Нейротизм.
3. Психотизм.

1. **Экстраверсия – интроверсия.** Бу кўрсаткич ёрдамида шахснинг индивидуал-психологик хусусиятларидан бўлган экстревертлик ва интровертлик аниқланади. Типик экстраверт вазиятга қараб ҳаракат қилади, импульсив, жиззаки. У оптимист, кўнгилчан, кувноқ инсон. Ҳаракат ва фаолликни маъқул кўради, агрессивликка мойил. Ҳиссиёт ва эмоцияларини қаттиқ назорат қилмайди, таваккал ҳаракатлар қилишга мойил. Бундай инсонларга ҳар доим ҳам ишониб бўлмайди.

Типик интроверт – хотиржам, тортинчоқ, ўз-ўзини таҳлил қилишга қодир инсон. Оғир-босиқ, яқин дўстларидан ташқари бошқалардан узоқроқ юришга ҳаракат қилади. Ўз ҳаракатларини олдиндан режалаштиради ва ўйлаб чиқади, таваккал қилмайди, қарор қабул қилишга жиддий қарайди,

ҳамма нарсада тартибни яхши кўради. Ўз ҳиссиётларини бошқаради, уни мувозанатдан чиқариш қийин. Пессимистик хусусиятларга эга, ахлоқий меъёрларни кадрлайди.

2. **Нейротизм.** Эмоционал барқарорлик ёки барқарор эмасликда кўринади. Баъзи маълумотларга кўра, нейротизм ўзгарувчан асаб тизими билан боғлиқ. Эмоционал барқарор инсон - етук, юқори мослашувчанликка эга, кучли зўриқиш ва хавотирнинг йўқлиги, шу билан бирга, лидерлик ва мулоқотга мойиллиги билан ажралиб туради.

Нейротизм ўта асабийлик, мувозанатсизлик, ёмон мослашувчанлик, кайфиятнинг тез ўзгариши (лабиллик), айбдорлик ҳисси ва безовталиқ, деперессив реакциялар, диққатнинг таркоқлиги, стрессли вазиятларга чидамсизликда намоён бўлади. Нейротизмга ҳиссиётга берилувчанлик, импульсивлик, инсонлар билан муносабатга киришишдаги нотекислик, кизикишларнинг ўзгариши, ўзига бўлган ишончсизлик, кучли ҳиссиётга берилувчанлик, таъсирчанлик, ғазабланишга мойиллик мос келади. Нейротик шахс кўзғовчиларга нисбатан ноадекват кучли реакциялар намоён қилади. Нейротизм шкаласи кучли кўрсаткич намоён қилган шахсларда номақбул стрессли вазиятларда невроз шаклланиши мумкин.

3. **Психотизм.** Бу шкала ғайриижтимоий (асоциал) хулққа мойилликни, иккиюзламачилик, эмоционал жараёнларнинг ноадекватлиги, низоларга кучли берилувчанлик, бошқалар билан муносабатларга киришмаслик, худбинлик, эгоцентризм ва бефарқликни кўрсатади.

Айзенкнинг фикрига кўра, шахсдаги экстреверсия ва нейротизм бўйича юқори кўрсаткичлар психиатрик ташҳис “истерия”ни, интроверсия ва нейротизм бўйича юқори кўрсаткичлар эса хавотирланиш ёки реактив депрессия белгиси ҳисобланади.

Нейротизм ва психотизм кўрсаткичларининг кучли намоён бўлиши мазкур кўринишдаги патологияга “мойиллик”ни билдиради.

Ёлғон шкаласи меъёрда 12 баллдан ошмаслиги керак. Мазкур шкала бўйича 12 ва ундан ортиқ балл олинса, номзод берган жавобларининг ҳаққонийлигига шубҳа билан қаралади. Бундай синалувчилар атрофдагиларга ўзларини яхши томондан кўрсатишга интилган бўлишлари мумкин ёки жамият аъзолари томонидан тан олинисни хоҳлаётган бўлишлари мумкин. Шу сабаб мазкур шкала бўйича 12 ва ундан юқори балл йинган номзодларнинг психологик барқарорлиқнинг қолган кўрсаткичлари бўйича олган баллари ҳам ҳисобга олинмайди.

“Ноаниқликка нисбатан толерантлик” тести бўйича олинган натижаларга кўра, ноаниқ вазиятларга нисбатан ижобий муносабатда бўладиган инсонлар ўз шахсий ҳаракатларининг субъекти, яъни сабабчиси деб идрок этишади ва шахсий ҳаётларини назорат қилишади. Улар муваффақият ва муваффақиятсизликларини анча оптимистик тарзда баҳолашади ҳамда келажакда омадлари келишига ишонишади. Шу билан бирга, улар ноаниқ вазиятларга нисбатан толерантлик кўрсаткичи паст инсонлардан фарқли равишда кам рефлексив ва хавотирга тез